

Нуриддин Кулдашев,
ИИБ Академияси фуқаровий-ҳуқуқий фанлар
кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, доцент

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Аннотация: Мазкур мақолада жамоат хавфсизлиги соҳасида давлат-хусусий шериклик (бундан кейин – ДХШ) масалалари таҳлил қилинган. Ўзбекистонда жамоат хавфсизлиги соҳасида ДХШни такомиллаштириш асослантилган.

Таянч сўзлар: давлат-хусусий шериклик, ДХШ соҳасидаги қонунчилик, жамоат хавфсизлиги, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик.

Аннотация: В данной статье анализируется сфера государственно-частного партнерства (далее – ГЧП). Обосновано совершенствование государственно-частного партнерства в сфере общественной безопасности в Узбекистане.

Ключевые слова: государственно-частное партнерство, законодательство в сфере ГЧП, общественная безопасность, государственно-частное партнерство в сфере общественной безопасности.

Annotation: This article analyzes the sphere of Public Private Partnership (PPP). The improvement of public-private partnership in the field of public security in Uzbekistan is substantiated.

Key words: Public Private Partnerships (PPPs), legislation in the field of PPP, public Safety, public-private partnership in the field of public safety.

Ҳар бир давлатда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш стратегик вазифа сифатида белгиланган. Мамлакатимизда ҳам бу масалада ўзига хос тизим ва ҳуқуқий механизм яратилган. Хусусан, 2021 йилнинг 29 ноябрь куни Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Хужжатга кўра, 2022 – 2025 йилларда Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси тасдиқланди. Стратегия мамлакатда жамоат

хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича ҳуқуқий, услубий, илмий, ташкилий чораларни ишлаб чиқиш ва самарали амалга оширишни ўз ичига олган.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигига доир ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда фуқаролар ҳамда жамоат тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлик қилиш йўлга қўйилган. Албатта, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бевосита давлатнинг стратегик вазифаси ҳисобланади. Аммо жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, унинг мутлақо янги механизм ва тартибларини жорий этиш, соҳага замонавий технологияларнинг сўнгги ютуқларини олиб кириш заруратини юзага келтирмоқда. Айнан ушбу зарурат бугунги кунда жамоат хавфсизлиги тизимида ҳам давлат шериги ва хусусий шерикнинг ўз ресурсларини бирлаштиришни тақазо этмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришда хусусий сектор инвестицияларини жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмлари ривожланмаганлиги муаммоси ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида 2019 йил 10 майда “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сон қонуни қабул қилинди ва маъмурий актларнинг муайян пакети шаклланди. Аммо барча соҳаларда ҳам ДХШ етарлича ривожланмаган ва уни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари анча заиф. *Хўш, ДХШ нима? Давлат қайси соҳаларда хусусий шериклар билан ҳамкорлик қилиши мумкин? Жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш соҳасида ҳам ДХШ лойиҳалари ташкил қилиниши мумкинми?* Бу саволлар ижтимоий ҳаётимизда янги тушунча сифатида қўлланилмоқда ва кўплаб инсонларда ва ҳаттоки юристлар орасида ҳам бир қатор мавҳумликларни туғдирмоқда. Давлат-хусусий шериклик

масаласида биз баъзи муаммоларни ўргандик [1-6]. Қуйида ушбу саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Давлат хусусий шериклик – *давлат шериги* (давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек ваколат берилган бошқа юридик шахслар) ва *хусусий шерикнинг* (давлат шериги билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузган яқка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс ёки юридик шахсларнинг бирлашмаси) муайян муддатга иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни ҳал этиш мақсадида ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги тушунилади. Халқаро майдонда ДХШ «Public Private Partnership» (PPP) номи билан кенг қўлланиладиган молиялаштириш модели ҳисобланади. Хорижий давлатлар тажрибасидан маълумки, ушбу институт мамлакатда бюджет етишмаслиги сабабли иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий соҳаларда давлат ресурсларининг кечикишини ёки муваффақиятсизликка учрашини олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Илмий адабиётларда ДХШ институтининг вужудга келиши бўйича турли қарашлар мавжуд. Жумладан, адабиётларда мазкур соҳа милоддан аввалги даврда вужудга келганлиги тўғрисида фикрлар ҳам бор. Масалан, I.Tulukcu ўзининг илмий тадқиқотларида «Тарихнинг илк даврларидан бошлаб давлат-хусусий шериклик мавжуд бўлганлигини, бунга асос сифатида қадимги даврларда кўплаб жамоат жойлари (портлар, бозорлар ва бошқалар) ва инфратузилма хизматлари (меҳмонхоналар, ҳаммомлар ва бошқалар) давлат томонидан хусусий секторга имтиёз сифатида берилганлиги»ни [7] айтади. Албатта, I.Tulukcu фикрини бутунлай рад қилиб бўлмайди. Гарчи, ўша даврда юқорида келтирилган объектлар ва хизматларни ташкил этиш бевосита давлатнинг функциясига кирмаган бўлса-да, аммо улар аҳоли манфаати учун ташкил қилинган ва уларни назорат қилиш ҳам давлат зиммасида бўлган бўлиши мумкин. Илмий майдонда бошқа муаллифлар «давлат-хусусий шериклиги тушунчаси XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида Буюк Британияда

пайдо бўлган бўлиб, Public Private Partnership номи билан давлат мулкани самарали бошқариш учун хусусий ресурсларни жалб қилишнинг янги концепцияси сифатида талқин этилгани, бугунги кунда ушбу механизм аксарият ривожланган мамлакатларда қўлланилиши, аммо уни бошқарадиган умумэтироф этилган қонунчилик модели йўқ»лигини билдиришади [8]. Аксиома: ҳақиқат баҳсларда туғилади. Мазкур мавзудаги тадқиқотга чуқур кириб борганимиз сари янги қирралар, янги саҳифалар очилиши, шубҳасиз. Ҳозирги ёндошувлар эмпирик тусда бўлса, ажаб эмас. Шунини биламизки, айна дам ушбу масала мазкур чиқишнинг предмети эмас.

Бугунги кунда бошқа соҳаларда бўлгани каби жамоат хавфсизлиги соҳасини модернизация қилиш тизимга хусусий капитални тақозо этмоқда. Бу борада давлат-хусусий шериклик жамоат хавфсизлигининг инновацион амалиётини жорий этиш, соҳани техник жиҳозлаш, соҳада сифат кўрсаткичларини ошириш, рақамли тизим механизмига айланмоқда.

Ушбу механизм шерик иштирокчилар ҳар бирининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, мавжуд уч секторнинг – давлат, бизнес ва жамиятнинг ўзаро интеграциясини таъминлайди. Мувозанатли иқтисодиёт шароитида ушбу нисбатни адолатли таъминлаш жуда муҳим. Тоқим, процессуал қонунчилик талаб қилганидек, чиқариладиган қарор: қонуний, асосли (асослантирилган) ва адолатли бўлмоғи лозим [9].

Таъкидлаш керакки, хусусий шериклик асосида ҳамкорлик қиладиган соҳалар аҳоли ва жамиятнинг талабидан (эҳтиёжидан) келиб чиққан ҳолда давлат томонидан белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонунида ДХШ асосида амалга ошириладиган соҳалар нормаланган. Хусусан, Қонуннинг 3-моддаси биринчи қисмида “давлат-хусусий шериклик объекти – лойиҳалаштирилиши, курилиши, барпо этилиши, етказиб берилиши, молиялаштирилиши, реконструкция қилиниши, модернизациялаштирилиши, эксплуатация қилиниши ва хизмат кўрсатилиши давлат-хусусий шериклик лойиҳасини

рўёбга чиқариш доирасида амалга ошириладиган мол-мулк, мулкрий комплекслар, ижтимоий инфратузилма, ер участкалари, шунингдек давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида жорий этилиши лозим бўлган ишлар (хизматлар) ва инновациялар” бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Мутахасисларнинг фикрига кўра, миллий қонунчилигимизда белгиланган «ДХШ лойиҳасини амалга ошириш мумкин бўлган инфратузилма соҳаларининг очик рўйхати энг илғор ёндашув бўлса-да, у давлат ресурслари (бюджет маблағлари, ер ва бошқа мулклар) сарфланишини назорат қилиш учун давлат зиммасига катта масъулият юклайди» [10].

Дарҳақиқат, миллий қонунчилигимизда амалга ошириш мумкин бўлган ДХШ йўналишлари келтирилган ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа соҳаларда ҳам ДХШ ташкил қилиниши кўзда тутилган. Аммо ДХШ татбиқ этилмайдиган соҳалар ҳам аниқ қилиб белгилаб қўйилган [11].

ДХШ анча мослашувчан ҳуқуқий институт бўлиб, давлат инфратузилмасининг турли соҳаларида лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради. Шу билан бирга, ҳуқуқнинг «ман этилмаган ҳар қандай ҳаракат амалга оширилиши мумкин» деган принципи ҳам мавжуд. Бундан англашиладики, миллий қонунчилигимизда жамоат хавфсизлиги соҳасида ҳам ДХШни ташкил этиш бўйича бирон бир тақиқ мавжуд эмас.

Ф.С.Атамуратова кишилик жамияти учун ёндош соҳалардан бири – соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ўрганар экан, «бу борада ижтимоий шериклик битимлари меҳнат жамоалари, иш берувчилар ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат органларининг манфаатларини ҳисобга олишга имкон берадиган уч томонламалик амалиёт – яъни, трипартизм, ушбу вазифани амалга оширишнинг асосий йўналишларидан бирига айланаётгани»ни қайд этади [12] (жузъий таҳрир бизники – *муаллифлар*).

Рақамли фуқаролик муомаласи шароитида ижтимоий шерикликнинг шартномавий моделини тадқиқ этар экан, Ш.Н.Рўзиназаров, «давлат-хусусий

шерикликни ижтимоий шерикликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, уларнинг ўзаро манфаатларини ифода этадиган шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар ижтимоий шериклик тусига эга» [13] эканини билдиради.

Юқоридаги муаллиф бу борада АҚШ амалиётини ўрганар экан, АҚШда давлат-хусусий шерикчилигининг биринчи ютуғи йирик инфратузилма лойиҳалари билан боғлиқ эканини билдиради [14]. 2007 йилдан 2016 йилгача АҚШда 48 та йирик давлат-хусусий шериклик инфратузилмаси бўйича битимлар эълон қилинган бўлиб, уларнинг қиймати 61 миллиард долларга тенг. Шулардан 40 таси ёпиқ лойиҳа – умумий ҳажмининг 80% дан ортиғи, қиймати 39 миллиард АҚШ долларига тенг бўлиб, бу лойиҳаларда давлат хусусий сектор билан бирлашиб, лойиҳалаш, куриш, молиялаштириш, техник хизмат кўрсатиш ва баъзи ҳолларда ҳаётий зарур операциялар учун ҳам маблағ ажратади [15].

Ҳар қандай мамлакатда ДХШ ривожланиши учун аввало қонунчилик базаси зарур. Шу ўринда таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда жамоат хавфсизлигини ДХШ асосида амалга оширишнинг бирламчи ҳуқуқий асослари яратилди ва амалга жорий қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 7 декабрдаги ПҚ–4913-сон Қарори, «Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ–27-сон Фармони шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига хусусий секторни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 21 апрелдаги 232-сон Қарори асосида Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида 2021 йил 1 мартдан бошлаб мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини махсус

автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатиш ҳуқуқи берилди. Мазкур қарорнинг 4-бандига кўра, тадбиркорлик субъектларига тегишли махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати коидабузарликларидан ундирилган жарима суммаси ишга туширилган кундан бошлаб 1 йил давомида 50 фоизи, ишга туширилганидан 1 йил ўтгандан сўнг 25 фоизи – тадбиркорлик субъекти ҳисобига йўналтирилиши белгилаб берилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 20 сентябрдаги 588-сон Қарори асосида фуқаролар йиғинларида тинчлик, осойишталик, хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг мулкига бўлган тажовузларнинг олдини олиш мақсадида барпо этилган айрим «Жамоатчилик назорати масканлари»ни эксперимент тариқасида видеокамералар ўрнатиш шарти билан, тадбиркорлик субъектларига ижарага бериб, улар негизида «Электрон кузатув масканлари» фаолиятини ташкил этиш тартиби белгиланди. Мазкур қарорнинг 3-бандига кўра, тадбиркорлик субъектларига бериладиган масканлар ва уларнинг бинолари атрофидаги ер участкаларининг 6 квадрат метр майдонигача «Электрон кузатув масканлари»ни жойлаштириш учун, қолган қисми тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун беш йил муддатга ижара тўловининг «ноль» ставкаси асосида ижарага берилиши назарда тутилган.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, жамоат хавфсизлигини таъминлашда субъектларнинг ўз ресурсларини бирлашишида икки тарафлама манфаатдорлик мавжуд. Бунда фақат хусусий секторлар эмас, балки давлат ҳам манфаатдордир. Хусусан, хусусий секторлар ўзларининг маблағини инвестиция қилиб, тегишли фойда олишга эришса, давлатнинг манфаатдорлиги, бевосита аҳоли ва жамият манфаатдорлиги билан қўшилиб кетади. Ушбу манфаатдорликни бевосита жамоат хавфсизлиги нуқтаи назардан оладиган бўлсак, тизимнинг моддий-техник базаси замонавийлашиб,

аҳолини ҳар қандай таҳдидлардан кафолатли ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлиги ортади. Пировардида, мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлаш даражаси сифат жиҳатидан ортиши ва «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун» деган устувор ғоя амалда таъминланишига эришилади.

Албатта, жамоат хавфсизлиги ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида таъминланиши зарур бўлган давлатнинг муҳим стратегик вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўтган 2017 – 2021 йилларда амалга оширилган Ҳаракатлар стратегияси даврида тўпланган тажриба шуни кўрсатдики, эндиликда давлатнинг вазифаси сифат, мазмунан ва шаклан ўзгармоқда. Бугунги рақобат дунёси, инвестициявий жозибадорлик ушбу сифат ўзгаришларини талаб этмоқда. Хусусан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат, инвестор ва тадбиркорларнинг бирлашган имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида ДХШни ташкил қилиш лозимлигини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Чунки, жамоат хавфсизлигини сифат жиҳатдан юқори савияда таъминлаш давлатнинг ўзидан катта миқдордаги молиявий ресурсларни талаб қилади. Иқтисодий қудратли давлатлар ҳам жамоат хавфсизлигини таъминлашда ДХШ институтидан кенг фойдаланади. Шу билан бирга, ДХШни ривожлантириш масаласи барча давлатларда ва ҳаттоки ривожланган мамлакатларда ҳам асосий муаммо бўлиб қолмоқда. Е.В.Егоров, И.С.Минина ДХШни ривожлантиришдаги асосий муаммолардан бири «Хусусий ҳамкорлар асосий хавф-хатарлар учун масъулиятни ўз зиммасига олганлиги сабабли лойиҳани амалга оширишга иштиёқи йўқ» [16] деб ҳисоблайдилар. Албатта, ушбу фикрга қўшилган ҳолда, таъкидлаш мумкинки, мазкур соҳани жадал ривожлантириш ва хусусий инвесторларни кенг жалб қилишда қонунчиликка ДХШнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимларини киритиш ҳам ўзининг ижобий натижасини беради.

Эътироф этиш керакки, жамоат хавфсизлиги масаласи давлатнинг сиёсий стратегик вазифаси ҳисобланади. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш

яхлит тизим саналиб, у давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун белгиланадиган, доимий равишда такомиллаштириб бориладиган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа комплекс ташкилий чоратадбирларни қамраб олади. Шунга кўра, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг барча тармоқларида ҳар доим ҳам ДХШни ташкил қилиш имкони бўлмайди. Масалан, хусусий изкуварлик институти АҚШ ва Европанинг бир қатор давлатларида самарали ташкил этилган бўлса-да, айрим давлат қонунларида, шу жумладан миллий қонунчилигимизга кўра ҳам мазкур соҳада хусусий шериклик тақиқланган.

Дарҳақиқат, жамоат хавфсизлигини давлат-хусусий шериклик асосида таъминлаш ҳам миллий қонунчилигимиз, ҳам ижтимоий ҳаётимиз учун нисбатан янги соҳа ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда давлат-хусусий шерикликнинг институционал-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун илмий тадқиқотлар давлат томонидан қўллаб-қувватланиши назарда тутилган [17].

Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги Концепцияси ҳамда 2022 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси талабларига мувофиқ жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш, жамоат хавфсизлиги соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш омиллари, сабаблари ва шарт-шароитлари юзасидан тизимли ва илмий таҳлилларни амалга ошириш, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича ҳуқуқий, услубий, илмий, ташкилий чораларни ишлаб чиқиш каби устувор вазифалар белгиланган [18].

Дарҳақиқат, илғор хорижий ва миллий тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, жамоат хавфсизлигини таъминлашда давлат-хусусий шериклик асосида ижобий натижаларга эришиш мумкин. Аввало, жамоат хавфсизлигида давлат-хусусий шериклик нисбатан янги соҳа эканини

эътиборга олган ҳолда, бу йўналишда мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Шу мақсадда илмий жамоатчилик ва ҳуқуқ амалиётчилари олдига бир қатор муҳим вазифаларни қўйиш мумкин. Булар:

биринчидан, жамоат хавфсизлигини давлат-хусусий шериклик асосида таъминлашнинг миллий ҳуқуқий генезиси ва конструкциясини тадқиқ этиш;

иккинчидан, жамоат хавфсизлигини давлат-хусусий шериклик асосида таъминлаш тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

учинчидан, жамоат хавфсизлигининг қайси соҳаларида давлат-хусусий шерикликни ташкил қилиш мумкинлигини аниқлаштириш ва унинг замонавий механизмларини яратиш;

тўртинчидан, мазкур соҳага хусусий секторларни кенг жалб қилиш мақсадида давлат-хусусий шерикнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қўллаб-қувватлашнинг самарали турларини ишлаб чиқиш, ижтимоий адолатли имтиёзлар ва преференциялар яратиш ва жорий қилиш;

бешинчидан, жамоат хавфсизлигини давлат-хусусий шериклик асосида таъминлашга доир миллий хусусиятлар ва шароитлар эътиборга олинган ҳолда халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва жорий қилиш бўйича асосланган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

Хулоса қилиб айтганда, жамоат хавфсизлигини таъминлашни давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш ва унинг истиқболларини белгилаш бугунги куннинг ўта долзарб бўлган соҳаларидан ҳисобланади. Мамлакатмизда жамоат хавфсизлиги тизимини давлат-хусусий шериклик ресурсларини тўғри ташкил этган ҳолда замонавийлаштириш истиқболдаги режалар сифатида белгиланиши зарур. Шу билан бирга, соҳада ДХШни ривожлантириш хусусий тижорат лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш воситаси эмас, балки жамоат хавфсизлиги тизимини модернизация қилиш механизми эканини унутмаслигимиз керак. Бу орқали кучлар бирлаштирилади: аввало, ғоялар бирлашади, ресурслар бирлашади, саъй-

харакатлар бирлаштирилади. Ушбу шерикликда жамоат манфаатлари ҳамиша хар дам устувор саналади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нуриддин Кулдашев ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ СОҲАСИДА ДАВЛАТХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ // CARJIS. 2022. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekistonda-zhamoat-havfsizligi-so-asida-davlathususiy-sheriklikni-tashkil-etish-masalalari> (дата обращения: 26.01.2023).

2. Qo‘ldoshev N. Ички ишлар органлари фукаровий-хуқуқий муносабатлар субъекти сифатида //О ‘zbekiston qonunchiligi tahlili. – 2008. – №. 3-4. – С. 10-15.

3. КУЛДАШЕВ Н. А. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ДЕЛИКТНЫХ ОТНОШЕНИЙ ПРИ УЧАСТИИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ //Право и жизнь. – 2019. – №. 2. – С. 80-87.

4. Кулдашев Н. А. ОРГАНЫ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ КАК СУБЪЕКТЫ ДЕЛИКТНЫХ ОТНОШЕНИЙ //Третьи цивилистические чтения памяти профессора МГ Прониной. – 2021. – С. 111-114.

5. Кулдашев Н. Improvement of the legal regulation system of tort relations with the participation of internal affairs organs //Общество и инновации. – 2020. – Т. 1. – №. 2. – С. 199-208.

6. Kuldashhev N. TORT LIABILITY ISSUES FOR HARM CAUSED BY THE INTERNAL AFFAIRS BODIES //International Scientific and Current Research Conferences. – 2021. – С. 8-14.

7. *İsmail TULUKCU*. Kamu-Özel Ortakliklari: Farkli Kurumsal İşleyiş Ve Hedefler Varlığında Yönetişim Beceriler (Public-Private Partnerships: Governance

Skills In Different Institutional Operations And Purposes)
<https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/844708>

8. *Е.А.Дячук, И.Г.Салимьянова, О.К.Николаева.* Развитие института государственно-частного партнерства в здравоохранении // *Инновационная деятельность.* 2016. –№1. –С.38-45. URL: <https://elibrary.ru/item.asp?id=26536219>.

9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (455-модда) // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 2-сон. URL: <https://lex.uz/uz/docs/111460>; Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик процессуал кодекси (249-модда) // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 йил, 02/18/ФПК/0612-сон. URL: <https://lex.uz/uz/docs/3517337>; Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.01.2018 йил, 02/18/ИПК/0623-сон. URL: <https://lex.uz/uz/docs/3523891>.

10. *В.Килинкаргов, Б.Шамсиев, Ф.Камалов.* Государственно-частное партнерство: общее понятие и стандарты национального регулирования <https://www.dentons.com/ru/insights/articles/2018/october/4/a-public-private-partnership-general-concept-and-standards-of-national-regulation>.

11. *Изоҳ:* “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддаси иккинчи қисмида “маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимларга ва давлат харидлари соҳасига” нисбатан давлат-хусусий шериклик татбиқ этилмаслиги назарда тутилган.

12. *Ф.С.Атамуратова.* Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклигининг ўзига хос хусусиятлари / Коллектив монография. Ўзбекистонда ижтимоий шерикликнинг моделлари: ҳозирги ҳолати ва истиқболлари. –Тошкент: Shafolat Nur Fayz, 2020. 197-б. URL: https://www.researchgate.net/publication/348199993_uzbekistonda_iztimoij_seriklikning_modellari_ozirgi_olati_va_istikbollari/

13. *Ш.Н.Рўзиназаров*. Рақамли фуқаролик муомаласи шароитида ижтимоий шерикликнинг шартномавий модели: замонавий мўлжаллар / Коллектив монография. Ўзбекистонда ижтимоий шерикликнинг моделлари: ҳозирги ҳолати ва истиқболлари. –Тошкент: Shafolat Nur Fayz, 2020. –Б.80-81. URL: https://www.researchgate.net/publication/348199993_uzbekistonda_.

14. *Ф.С.Атамуратова*. Юқоридаги манбада.

15. Guidebook on promoting good governance in public-private partnerships. Sales No. 08. П.Е.1. ISBN: 978-92-1116979- 9 [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <https://ppp.worldbank.org/public-private-partnership/sites/ppp.worldbank.org/files/documents/Promoting%20Good%20Governance%20in%20PPP.pdf> (дата обращения: 09.03.2022).

16. *Е.В.Егоров, И.С.Минина*. Правовое регулирование государственно-частного партнерства в России и за рубежом. <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoe-regulirovanie-gosudarstvenno-chastnogo-partnerstva-v-rossii-i-za-rubezhom/viewer>

17. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида” 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ–537-сон Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2019 й., 03/19/537/3113-сон URL: <https://lex.uz/docs/4329270/>

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ–27-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 йил, 06/21/27/1116-сон. URL: <https://www.lex.uz/ru/docs/5749291>.